

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2020 йил декабрь ойининг 02 куни жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман судининг очиқ суд мажлиси, ўз биносида, жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман судининг раиси Ф.Ю.Суванкуловнинг раислигида, суд ёрдамчиси Ж.Нарматовнинг котиблигида, тарафлардан Мирзаобод туман прокурорининг ёрдамчиси А.Джайнаров, жабрланувчи М.Джаббаровнинг иштирокида, Суннатов Комилжон Расуловичга нисбатан № 1-1207-2001/22-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Суннатов Комилжон Расулович (Sunnatov Komiljon Rasulovich) - 1965 йил 08 март куни Сирдарё вилояти, Сардоба туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланган, Сирдарё туман судининг 1994 йил 22 апрель кунги ҳукмига кўра, ЖКнинг 216-моддасига асосан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони ўтаб озод бўлган, ЖКнинг 78-моддасига асосан судланмаган ҳисобланади, ишламайди, Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, Файзлиобод маҳалласи, Файзлиобод кўчаси 3-уй, 2-хонадонда яшаган, жиноят иши бўйича “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2020 йил 13 май кунидан қамоқда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 2020 йил 28 август куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбланган;

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Суннатов Комилжон Расулович, 2020 йил 12 май куни соат 19:00 ларда, Сардоба тумани, Қуйитош МФЙ, Ибн Сино кўчаси 6/1-уйда яшовчи ўзининг шаърий турмуш ўртоғи Скрипникова Светлана кўриш ҳамда унинг ҳовлисидаги бегона ўтларни ўриб олиш учун унинг яшаш хонадонига келган вақтида, С.Скрипникованинг уйида таниши, олдиндан ўзаро келишмовчилиги бўлган Джаббаров Музаффар Амирхамзаевичнинг маст ҳолатда битта ички кийимда ётганлигини кўриб, жаҳл устида ва рашк негизида унга жисмоний азоб бериш мақсадида, ўта шафқатсизлик билан ўт ўриш учун ўзи билан бирга олиб келган йирик ҳажмли пичоқ (чопқи) билан М.Джаббаровнинг бош соҳаси, елка соҳаларига ва қўл қисмларига 15 маротабадан зиёд зарба бериб, кейин бирданига зарба беришни тўхтатиб, хонадан чиқиб воқеа жойидан кетиб, канал бўйига бориб, эғнидаги кийимларни қон бўлгалиги учун каналга улоқтириб, ўзи чўмилиб, йирик ҳажмли чопқини ҳам каналга ташлаб



юбориб, Сардоба тумани ИИБга мурожаат қилиб, М.Джаббаровга қасддан оғир шикаст тан жароҳати етказганлик жинояти ҳақида ўзи хабар берган. М.Джаббаров олган тан жароҳати бўйича Сардоба туман ТТБнинг жонлантириш бўлимига ётқизилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2020 йил 24 майдаги 138-сонли хулосасига кўра, М.Джаббаровда бош мия очик жароҳати, мия тўқималари лат ейиши, бош суяги очик синиши, бурун суяги, ўнг қўл биллак суяги синиши, ўнг қўл учинчи бармоқ биринчи фалангаси узилиб тушиши каби тан жароҳатлари мавжудлиги, тан жароҳатлари 15 тадан зиёд эканлиги, ушбу тан жароҳатлар оғирлик даражасига кўра “ҳаёт учун ҳавфли бўлган оғир шикаст” деб кўрсатилган.

Судланувчи Суннатов Комилжон Расулович, ўта шафқатсизлик билан қасддан баданга оғир шикаст етказиш билан ифодаланган ўзининг жинойий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “в” бандида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилган.

Судда судланувчи тариқасида сўроқ қилинган К.Суннатов, айбига тўлиқ иқдор бўлиб, қуйидагиларни билдирди, ҳақиқатдан ҳам турмуш ўртоғи Кузиева Гулнора билан 1985 йилда ажрашганлигини, унинг икки нафар фарзандлари борлигини, ҳозирги кунда Россия Федерацияси Казан шаҳрида яшашлигини, у укасининг оиласи билан бирга яшаб келишлигини, у 2-3 кунда қўлига пул тушган вақтида спиртли ичимлик истеъмол қилиб туришлигини, 2020 йил 12 май куни соат 08:00 ларда, ишлаш учун Шамшиддин исмли боланинг дўконига зина учун эшик қилиб беришга борганлигини, унинг дўконига 11-12 май кунлари ишлаганлигини, тахминан соат 16:00 ларда ишини тугатганлигини, Шамшиддин унга 90.000 сўм иш ҳаққи берганлигини, у ердан чиқиб асбоб ускуналарини олиб Йўлдош исмли танишининг бозордаги жойига бораётган вақтида, унга олдиндан таниш бўлган Музаффарни кўриб қолганлигини, Музаффар уни кўрганидан сўнг унга турли гапларни айтиб тегина бошлаганлигини, у Музаффарга чарчаганлигини, уйга кетиши кераклигини, Скрипникова Светлана уйига бормаслигини, уни даволатаётганини, уникага бориб ароқ ичирганини айтганлигини, шундан сўнг Музаффар яна турли сўзлар билан унинг жаҳлини чиқаришда давом этганлигини, шундан сўнг у уйга кетганлигини, уйга борганидан сўнг нарсаларини ташлаганлиги ва бирор жойда беда бўлса қуёнларга олиб келиш мақсадида, бир дона қора сопли, темирдан ишланган чопқини ва сумкани олиб велосипеднинг орқасига қўйганлиги, уйдан чиқиб Светланадан хабар олиш учун тахминан 19:00 ларда унинг уйига борган вақтида Света уйнинг ёнида Павелнинг уйи деразаси тагида қўлида ароқ шишаси билан бирга ўтирганини кўрганлигини, у велосипеднинг орқасидан чопқини ҳовлидаги ўтларни ўриб олиш учун олганлиги, у Светани олдида бориб, унга гапириб, уйга кирган вақтида Музаффар уйнинг тўрида ўнг бурчакда деворга қотирилган полкаларнинг олдида ётганини кўрганлигини, у уйга кирганини Музаффар кўриб яна дўқлаб гапира бошлаганлиги, бу вақтда унинг қўлида чопқи



бўлганлигини, у Музаффарнинг бу уйга келма деса ҳам келганлигидан ва у доим унинг жаҳлини чиқариб келганлиги сабабли жаҳл устида, қўлидаги чопқи билан Музаффарнинг бош қисмига у ўтирган жойида ура бошлаганлигини, у Музаффарнинг бошига неча марта урганини аниқ айтиб бера олмаслигини, у уришдан тўхтаганидан сўнг “Музаффар бўлди бу ерга бошқа келмайман, Светага тегинганим йўқ” деганидан сўнг у Музаффарга Светанинг уйига келмаслигини ва уни ичирмаслигини айтиб у ердан чиқиб кетганлигини, у Светанинг уйдан чиқиб велосипедда уйига келганлиги ва уйдан бошқа кийимларини олганлиги, сабаби уни устидаги кийимлар қон бўлиб кетганлигини, у чопқини кийимларни олиб чўмилиб олиш мақсадида Сардоба туманидан оқиб ўтувчи “3-канал” томонга қараб кетганлиги, каналга борганидан сўнг чўмилганлиги ва кийимларини алмаштириб эскиларини каналга ташлаб юборганлиги, чопқини ҳам каналга отиб юборганлигини, сабаби у чопқини йўқ қилмоқчи бўлганлигини, каналда чўмилиб бўлганидан сўнг уйга қайтиб келганлиги, уйга келганида унинг ортидан укаси Икром келганлиги ва унга бўлиб ўтган ҳолатни айтиб, уни ИИБга олиб боришини сўраганлиги, укаси Икром уни ИИБга олиб келганлигини, у ерга келганидан сўнг қилган жиноятини бўйнига олганлигини, у Музаффарни бу ерга келмаслиги учун жазоламоқчи бўлганлигини, уни ўлдириш нияти бўлмаганлигини, уни бир икки маротаба ураман деб кўпроқ уриб юборганлигини, уни ўлдирмоқчи бўлганида ҳамма имконияти бўлганлигини, уни бирор ким тўхтатиб қолмаганлигини, у ўзи Музаффар узур сўраб бошқа келмайман деганлиги учун тўхтаганлиги ва у ердан чиқиб кетганлигини, у кўчага қуёнлар учун беда олиб келаман деган мақсадда уйдан чиқиб келганлигини, лекин беда топа олмаганидан сўнг Светанинг ҳовлисидаги ўтлардан ўриб келмоқчи бўлганлигини, ундан пастда ўтирганлиги учун бош қисми ва елка қисмлари унга кўриниб турганлигини, шу сабабли унинг боши ва елка соҳаларига урганлигини, у Музаффарга шунчалик қаттиқ тан жароҳати етказганини билмаганлигини, чунки ундан узур сўраб бошқа келмаслигини айтганлигини, шу сабабли унга ёрдам керак деб ўйламаганлигини, у Музаффарга тан жароҳати етказган вақтида Света ташқарида бўлганлигини, у Музаффар билан олдин бундай жиддий жанжаллашмаганлигини, у 2020 йил 12 май куни соат 19:00 ларда Джаббаров Музаффарга, унинг жаҳлини чиқаргани шаърий турмуш ўртоғи Светага спиртли ичимлик ичиргани учун ва уйга келма деса ҳам келгани учун ўзида бўлган чопқи билан тан жароҳати етказганлигини, у М.Джаббаровга тан жароҳати етказганлиги ҳолатини ҳеч ким кўрмаганлигини, бу вақтда хонада иккаласидан бошқа ҳеч ким бўлмаганлигини, ҳозирги кундан қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, оилавий шароитини, ёшини, соғлиғи яхши эмаслигини инобатга олиб, қонуний енгиллик сўраб кўрсатув берди.

Судда жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган М.Джаббаров, қуйидагиларни билдирди, ҳақиқатдан ҳам ҳозирги кунда у “Аббосжон



бизнес маркази” МЧЖга раҳбарлик қилиб келишлигини, ушбу МЧЖ қурилиш ишлари ва савдо сотиқ билан шуғулланиб келишлигини, у ҳозирги кунда Пахтазавод рўпарасида қурилиш моллари дўкони учун бино қураётганлигини, у ҳар йили бир икки маротаба 3-4 кун давомида спиртли ичимлик истеъмол қилиб туришлигини, 2020 йил 11 май куни эрталаб уйғонганидан сўнг бир кун олдин унинг машинасини уриб олган Бегзод исмли боланинг уйига борганлигини, лекин у уйида йўқ эканлигини, шундан сўнг эвакуаторчи Фаррухнинг уйига бориб, ундан бўлган 350.000 сўм қарзини бериб, бир кун олдин унинг машинасида қолиб кетган телефонини олиб чиққанлигини, шундан сўнг соат 10:00 ларда Вали аканинг дўконига бориб, ароқ, колбаса ва бошқа егуликларни олиб, Ибн Сино кўчасида яшовчи Сашканинг уйига келганлиги ва у билан бирга ўтириб ичганлигини, у кайфи ошиб қолиб ухлаб қолганлиги, уйғонганидан сўнг ўзига тегишли бўлган телефон аппаратини излаб топа олмаганлиги, шунда Сашканинг қизи Света дадаси унинг телефонини дўконга гаровга 200.000 сўм эвазига ташлаб келганини айтганлигини, у Раҳмат аканинг дўконига бориб, 200.000 сўм пулларни тўлаб телефонини қайтариб олиб келганлигини, шундан сўнг Сашкалар билан бир ҳовлида яшовчи Павлик ва унинг хотини ҳаммалари бирга ўтириб яна спиртли ичимлик ичганликларини, шу ерда Павликнинг хотини газдан қарзи борлигини айтиб қарз сўраганлиги учун унга 400.000 сўм пулларни берганлигини, шундан сўнг у ердан соат 13:00 ларда чиққанлиги ва Раҳмат аканинг дўконига бориб яна ароқ ва бошқа егуликларни олиб танишлари билан бозор тарафга борганлиги, у Исканнинг ароқ дўконига кирганида, у ерда Комил акани кўриб қолганлиги, ундан пиво олиб беришини сўраганлиги, у унга пиво олиб берганлигини, автобекат олдида жияни келиб қолганлигини, шундан сўнг жияни билан бирга йўл четидаги шашлик пиширадиган жойга бориб шашлик олганликларини, шу вақтда жиянини акаси келиб қолиб уни олиб кетганлиги, у бир ўзи шашликни олганидан сўнг кўлидаги алкогольли ичимликлар ва шашликни олиб Комил аканинг укаси Икром аканинг уйига борганлиги, у ерда Икром аканинг ўғли Комил акани чақириб берганлигини, у кўлидаги нарсаларни Комил акага берганлиги ва уй дарвозаси олдидаги қудуқ олдида Комил ака 2-3 та шашликни еб пиво ичганлигини, шундан сўнг у қолган ичимликлар ва шашликни олиб унга Павликни уйида бўлишини айтиб кетганлиги ва тўғри Сашканинг уйига борганлигини, бу вақтда соат 20:00 лар бўлиб қолганлигини, Сашканинг уйига борганидан сўнг ухлаганлигини, бир уйғонганида Комил ака келганини кўрганлиги, бу вақтда у Сашкадан Светага ким ичирганини сўраётганлигини, Комил унга гапирмаганлигини, шу куни кечаси у Сашканинг уйида қолганлигини, эрталаб соат 09:00 ларда уйғонганлиги ва Раҳмат аканинг дўконига борганлиги, Рамат аканинг уйдан ароқ ва егуликлар олганлигини, шу вақтда унинг олдида таниши Баҳром ва Павлик келганлигини, улар билан ташқарида ароқларни ичиб егуликларни еганлигини, у Яхшибой аканинг дўконига кирганлиги ва яна ароқ ва егуликлар олганлиги, шундан Павлик, Баҳром ва у бирга



таксига ўтириб 3-каналнинг олдида борганликларини, у ерда ҳам ўтириб ароқ ичиб егуликларни еганликларини, сўнг таксига ўтириб у ердан қайтганликларини, сўнгра Рахмат аканинг дўконини олдида борганлигини, у ерда Бахром турганлигини, у Бахром ва Темур исмли бола уччаласи яна Сашканинг уйига борганликларини, Сашканинг уйида ўтириб ичганидан сўнг Бахром кетганлигини, Темур қолганлигини, у кайфи ошганлиги сабабли шу ерда ухлаб қолганлигини, у уйфонганида соат 19:00 лар эканлигини, бу вақтда уйда Сашка Света ва у қолганлигини, у ўрнидан туриб Павликни уйига ўтганлиги ва у билан бирга кўчага чиқиб Рамат аканинг дўконига бориб яна ичимликлар ва егуликлар олиб келганлигини, қайтиб келганидан сўнг Павликни уйида Павлик, уни хотини ва у бирга яна ичганликларини, шундан сўнг у Сашканинг уйига ўтиб ухлаш хонани полига ётганлигини, у бош қисмига урилган зарбадан уйфонганлиги ва бу вақтда 3-4 та зарб бошига келиб урилганлигини, у ўзини ҳимоя қилиш мақсадида кўлини кўтарганида кўлига ҳам зарб келиб урилганлиги, шунда қараганида Комил ака кўлида қандайдир кесадиған нарса билан ураётганини кўрганлигини, у оғриқдан ўрнидан туриб Комил акани кўлидаги ўткир тигли кесувчи кейинчалик билишича чопқини ушлаб олганида, Комил ака тортиб юборгани учун кўли кесилиб кетганлигини, шу вақтда Комил ака юзи олдида чопқини ўйнатиб бошини ва юзини кесиб юборганлигини, шундан сўнг Комил ака ташқарига чиқиб кетганлигини, у бу вақтда битта ич кийимида бўлганлигини, у ўзига келиб атрофга қараганида хонада фақат Света ўтирган эканлигини, ҳамма жойидан қон оқиб ётганлиги учун Павликни уйига ўтиб деразадан уни чақирганлиги, Павлик чиқиб тез ёрдамни чақиршини айтганлиги, шу вақтда кимдир тез ёрдамга кўнғироқ қилганлиги, тез ёрдам машинаси келганидан сўнг шифохонага кетганлигини, у билан К.Суннатовни ўртасида билан бирор бир олдиндан келишмовчилик бўлмаганлигини, К.Суннатов ва Сашканинг қизи Света ўртасида бирор бир муносабат борлигини билмаслигини, Комил ака ҳам шу ерга келиб ароқ ичиб туришлигини, уни К.Суннатов чопқи билан ураётганлигини Света кўрганлигини, сабаби у хонада эшик олдида ўтирганлигини, К.Суннатов нима учун унга тан жароҳати етказганлигини билмаслигини, жанжал бўлган куни унинг “LG” русумли телефон аппарати ва шимини чўнтагида бўлган 1.000.000 сўмга яқин пуллари йўқолганлигини, уларни ким олганини билмаслигини, унга фақат К.Суннатов тан жароҳатини ўткир жисм билан етказганлигини, унга нисбатан даъвоси борлигини, К.Суннатов қамоқ жойларидан чиқиб келганидан сўнг ўзи у билан гаплашиб олишини, унга қилган қилмишига яраша жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган С.Скрипникова, кўйидагиларни билдирди, ҳақиқатдан ҳам у Суннатов Комилни яхши танишлигини, 2009 йилда эр-хотин муносабатларини ўрнатганлигини, шундан буён Комил унинг яшаш хонадонига келиб туришлигини, Джаббаров Музаффарни ҳам яхши танишлигини, Музаффар спиртли ичимлик истеъмол қилишни хоҳлаган вақтида тоғаси Гусев Павелнинг



яшаш хонадонига келиб туришлигини, Джаббаров Музаффар ҳамда Суннатов Комилни ўртасидаги муносабатлар яхши бўлганлигини, улар олдинлари бирор бир адоватга борганликларини кўрмаганлигини ҳамда эшитмаганлигини, 2020 йил 12 май куни у эрталабдан кечгача яъни 20:00 ларгача уйда ўтирганлигини, шу вақтгача у на Комилни на Музаффарни кўрмаганлигини, соат тахминан 20:00 лардан ўтганида яшаш хонадонига Джаббаров Музаффар маст ҳолатда қўлида бир шиша ароқ билан кириб келганлиги, у Джаббаров Музаффарга нима сабабдан келганини, ҳозир Сунатов Комил келса рашк қилишини айтганлигини, шунда Музаффар унга фарқи йўқлигини, бирга ароқ ичишни таклиф қилганлиги, у Джаббаров Музаффар билан унинг ётоқхонасида бирга ароқ истеъмол қилганлигини эслай олмаслигини, Музаффарнинг кайфи ошиб қолганлигини, у боши айланаётганлигини, озроқ ётиб дам олишини айтганлигини, шундан сўнг Музаффар у ётадиган ётоқхонанинг полга ётиб олганлиги, у ташқарига чиқиб, ҳовлида жойлашган скамейкага ўтирганлигини, қўлида ўзи билан ароқни олиб чиққанлигини, у ташқарида ўтирган вақтида Суннатов Комил велосипедда келганлигини, Комил унинг олдида турган ароқни кўриб, нима сабабдан ичаётганини, уни даволатмоқчи бўлганини ва унга дори берганини айтганлигини, шундан сўнг Музаффар ётган хонага кириб кетганлигини, унинг қўлида нима борлигига эътибор бермаганлиги, тез ўтмасдан Комил Музаффар ётган хонадан ташқарига чиқиб, велосипедда яшаш хонадонидан кетиб қолганлиги, унинг орқасидан, тезда Музаффар “тез ёрдам чақиринглар” деб фақат ич кийимда чиққанлигини, унинг усти қон бўлиб ётганлигини, шундан сўнг кимдир тез ёрдам чақирганлиги, тез ёрдам Музаффарни олиб кетганлигини, у Музаффар кетганидан сўнг хонага кирган вақтида ҳамма жой қон бўлиб ётганини кўрганлигини, бироз вақт ўтиб ИИБ ходимлари келиб ётоқхонасини кўздан кечирганлигини, у ўша вақтда ташқарида ўтирганлиги сабабли Суннатов Комилнинг Музаффарни қандай урганини ва нима билан урганини, унга қандай тан жароҳати етказганини кўрмаганлигини, Суннатов Комил у билан эр-хотин муносабатларини ўрнатганлигини, у ичкиликдан даъволамоқчи бўлганлигини, уни хонадонига Музаффарни маст ҳолатда кўриб рашк қилганлиги сабабли тан жароҳати етказган деб ўйлашлигини, Джаббаров Музаффар унинг олдида ароқ билан келган вақтида унда ҳеч қандай телефон аппарати бўлмаганлигини, у жанжалдан олдин жанжал вақтида ва жанжалдан сўнг ҳам Музаффарнинг телефон аппаратини ҳамда пулларини кўрмаганлигини, у жанжалдан сўнг 2020 йил 13 май куни хонадаги қонларни тозалаб йиғиштирган вақтида, Музаффарнинг фақат қизил узун футболкаси топилганлигини, лекин уйни йиғиштирган вақтида унинг телефон аппарати шими ҳамда пулларини кўрмаганлигини, у маст бўлганлиги сабабли Суннатов Комилнинг қўлида нима борлигига эътибор бермаганлигини, Суннатов Комил уни уриб тан жароҳати етказмаганлигини билдириб кўрсатув берди.



Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган У.Гусева, қуйидагиларни билдирди, ҳақиқатдан ҳам улар яшаётган уйнинг яна бир хонасига ташқаридан кириш эшиги очган ҳолда аммаси Сприкникова Наталия қизи Скрипникова Светлана ва турмуш ўртоғи Скрипников Александрларга алоҳида қилиб ажратиб берганликларини, улар анча йиллардан буён шу ерда яшаб келишлигини, аммасининг ўзи эса алоҳида уй олиб чиқиб кетганлигини, аммасининг турмуш ўртоғи Скрипников Александр турли устачилик ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланиб юришлигини, аммасининг қизи Скрипникова Светлана асосан бирор бир иш билан шуғулланмаслигини, баъзида таъмирлаш ишларига бориши мумкинлигини, Светлана анча йиллардан буён спиртли ичимлик истеъмол қилиб туришлигини, у Суннатов Комил билан шаърий никоҳда яшаб келишлигини, Суннатов Комил Светанинг уйида яшаб қолмасида тез-тез келиб озиқ-овқат олиб келиб туришлигини, агар Светлана ароқ ичган вақтларида Суннатов Комил билан иккаласи жанжаллашиб қолишлигини, у Светлана билан Джаббаров Музаффарнинг қандай алоқаси борлигини билмаслигини, 2020 йил 12 май кунидан икки-уч кун олдин келиб кетиб турганини кўрганлигини, 2020 йил 12 май куни эрталаб уйғониб жойида ётган вақтида Музаффар уларнинг уйига келганлиги ва онаси Гусева Светланадан фол очиб беришини сўраб келганини айтганлигини, унинг билишича Музаффар телефон апаратыни йўқотиб қўйган эканлигини, улар фол очиб кўрганлиги, шундан сўнг Музаффар ва дадаси иккаласи бирга чиқиб кетганлигини, тушлик вақтига яқин дадаси ва Музаффарлар қайтиб келганлигини, у ташқарига чиқиб дадасини уйга олиб кирмоқчи бўлганида улар уч киши эканлигини, дадаси ўрта даражада маст ҳолатда бўлганлигини, у дадасини уйга олиб кириб кетганлигини, Музаффар ва унинг шериги Светлананинг уйига кириб кетганлигини, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг Музаффар ва унинг шериги кўчага чиқиб кетганини кўрганлигини, шу билан у ҳам кўчага чиқмаганлигини, дадаси уйда ухлаб қолганлигини, соат тахминан 21:00 ларда у ошхонада ўтирган вақтида дадаси ташқарига чиқиб кетганлигини, бироз вақт ўтганидан сўнг дадаси уйга қайтиб кириб биндни олиб бериб юборишини айтганлигини, у ҳавотир олиб нима бўлганини сўраганида дадаси Музаффарни кесиб ташлаганини айтиб чиқиб кетганлигини, у ҳам дадасининг орқасидан борганлигини, у дадаси билан бирга Светлананинг уйига кирганида хонанинг ҳамма жой қон бўлиб, кроватда ўтирган Музаффарнинг ҳам ҳамма жойи қон бўлиб ётганини, Светлана маст ҳолатда полда ўтирганини кўрганлиги, шундан сўнг дадаси Музаффарни қон чиқиб турган жойларини боғламоқчи бўлганида Музаффар рад қилиб, тез ёрдам чақиритишни сўраганлигини, дадаси унга тез ёрдам чақиритишни айтганлигини, у тез ёрдамни чақирганлигини, у Музаффардан буни ким қилганлигини сўраганида, Комил ака қилганини айтганлигини, шу вақтида уйда Суннатов Комил ака бўлмаганлигини, у К.Суннатовнинг келганини ҳам кетганини ҳам кўрмаганлигини, у шу куни кечки вақтда Светлананинг уйи томонидан бироз бақир-чақир овозини эшитганлигини, лекин ҳар



доимги жанжаллардан бири бўлса керак деб ўйлаб эътибор бермаганлигини, лекин ушбу жанжал қачон бўлганини аниқ айтиб бера олмаслигини, дадаси Музаффарнинг олдига чиқишдан ярим-бир соатлар олдин бўлганлигини, шу куни Светлана қаттиқ маст ҳолатда уйининг пол қисмида ўтирганини, юз қисмлари қон ҳолатда кўрганлигини, у Суннатов Комил Музаффарни урганини кўрмаганлигини, у К.Суннатов М.Джаббаровга нима сабабдан тан жароҳати етказганидан ҳабари йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган П.Гусев, куйидагиларни билдирди, ҳақиқатдан ҳам у Суннатов Комил ҳамда Джаббаров Музаффарларни яхши танишлигини, улар билан шахсий адовати йўқлигини, у улар олдинлари бир-бири билан жанжаллашган ёки адоватга борганини кўрмаганлиги ҳамда эшитмаганлигини, Суннатов Комил ҳамда Джаббаров Музаффар ўртасидаги муносабат яхши бўлганлигини, у ўзи яшаб турган хонадонининг бир қисмини опаси Скрипникова Наталия ҳамда унинг оиласига ажратиб берганлигини, Наталия у ерда турмуш ўртоғи Скрипников Александр ҳамда қизи (жияним) Светлана билан бирга яшашлигини, Суннатов Комил, жияни Светлана билан қонуний никоҳдан ўтмасдан эр-хотин муносабатларни ўрнатиб, унинг олдига тез-тез келиб туришлигини, у шу сабабли уни яхши танишлигини, унинг турмуш ўртоғи Светланани картага қараб фол кўриш қобилияти борлигини, 2020 йил 12 май куни соат тахминан 08:00 ларда Джаббаров Музаффар яшаш хонадонига келиб, телефонини қидираётганини, охириги маротаба жияни Светлана ҳамда унинг дадаси Александр билан ароқ ичган вақтида, телефонини йўқотганини, шунга турмуш ўртоғи Светланадан телефонни топиш учун фол кўриб беришини сўраганлигини, турмуш ўртоғи картадан фол кўриб, унинг телефонини қаерда эканини айта олмаслигини, шундан сўнг Музаффар, олдин ҳам Александр ҳамда Светлана билан ароқ ичган вақтида, Александр унинг телефон апаратыни олиб, гаровга бериб яна ароқ олиб келганлигини, балки бу сафар ҳам шундай қилган бўлиши мумкинлигини айтганлигини, Музаффар билан унинг телефонини қидириб дўконларга борганлигини, лекин дўконлардан унинг телефон апаратыни топа олмаганлигини, охири Музаффар биргаликда ичиш учун дўкондан ароқ олиб чиққанлигини, ароқни олиб Музаффар билан бирга Сардоба туманидан оқиб ўтувчи канал ёқасига бориб бирга ароқ ичганликларини, канал ёқасида тахминан соат 12:00 ларгача ўтирганлигини, шундан сўнг Музаффар билан яна орқага шаҳарчага қайтиб келганлигини, у Музаффарга уйга кириб дам олишини, ўзи кетаверишини айтганлигини, Музаффар уни яшаш хонадонига қолдириб, ўзи қаергадир кетганлигини, у яшаш хонадонига кириб ухлаганлигини, орадан қанча вақт ўтганини билмаслигини, кун қоронғу бўлганлигини, бирдан у ётган хонанинг деразаси таққиллаганлигини, у ташқарига қараган вақтида Музаффар ташқарида битта ич кийимда ҳамма жойи қон бўлган ҳолатда турганини кўрганлигини, у тезда қизи Ульянага тез ёрдам чақиришини, Музаффарнинг аҳволи оғир эканини айтганлигини, ўзи эса Музаффарга



ёрдам бера бошлаганлигини, у Музаффардан бу ишни ким қилганини сўраганида ҳеч нарса айтмаганлигини, тез ёрдам автомашинаси келганидан сўнг Музаффарни тез ёрдам автомашинасига ортиб касалхонага жўнатганлигини, у Суннатов Комилнинг, Джаббаров Музаффарга тан жароҳати етказганини кўрмаганлигини, сабаби у ўзининг яшаш хонадонида ухлаб ётганлигини, у лекин кейинчалик Джаббаров Музаффар билан суҳбатлашган вақтида, Джаббаров Музаффар, унга Суннатов Комил ухлаб ётган вақтида қўлида бўлган чопқи билан тан жароҳати етказганини айтганлигини, унинг фикрича Суннатов Комил Музаффарнинг жияни Светлананинг ётоқхонасида ярим ялонғоч ҳолда ётганини кўриб рашк қилиб, унга тан жароҳати етказган бўлиши мумкинлигини, у Джаббаров Музаффар билан жанжал содир бўлган куни эрталаб унинг телефон апаратини дўконлардан излаганликларини, ўша вақтда у ҳали телефон апаратини топа олмаган бўлганлигини, балки уни уйига кузатиб кўйганидан сўнг телефон апаратини топган бўлиши мумкинлигини, у лекин Джаббаров Музаффарнинг уст бош кийимлари ҳамда телефон апаратини кўрмаганлигини, унинг шими ҳамда телефон апаратини ким олганини ҳам билмаслигини билдириб кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчининг жиноят содир этганликда айби, унинг ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатуви билан, дастлабки терговдаги кўрғазмаси ўқиб эшиттирилган гувоҳ С.Гусеванинг кўрғазмаси, шунингдек жиноят ишида мавжуд бўлган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 3-15), тушунтириш хатлари (и.в. 16-19), жабрланувчи М.Джаббаровнинг аризаси (и.в. 37), гумон қилинувчининг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 41-45), судга оид тиббиёт экспертизасининг хулосаси (и.в. 55-56) сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган ва судда атрофлича муҳокама қилинган бошқа далил ва исботлар билан тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи К.Суннатовнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан, яъни у томонидан 15 ва ундан ортиқ маротаба тан жароҳатлари етказганлик ҳаракатини ўта шавқатсизлик билан қасдан баданга оғир шикаст етказишда ифодалаб тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, чунки ишда тўпланган далилларга қараганда судланувчи К.Суннатовнинг жабрланувчини ўлдириш учун тўлиқ имкони бўлган, бироқ у ушбу имкониятдан фойдаланмаган, жабрланувчига жуда кўп миқдорда тан жароҳати етказган бўлсада, уни хаётдан маҳрум қилиш истагида ҳаракат қилганлиги ўз тасдиғини топмади, аксинча ўзининг ҳаракатларини тўхтатиб, ўта



шавкатсизларга банданга оғир шикаст етказганлигини англаб, воқеа жойидан кетиб, Сардоба туман ИИБга ўзи мурожаат қилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖК, ЖПК талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи К.Суннатовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолати деб эътироф этиб, унинг ҳозирда айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътиборга олсада, жабрланувчининг даъвоси борлиги сабабли уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас деган хулосага келиб, ҳозирда жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланмаганлигини, жабрланувчининг даъвоси борлигини инobatга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисмининг “в” банди санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашликни ҳамда тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини умумий тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни лозим деб топди.

Шунингдек, суд, иш бўйича ашёвий далил тариқасида олиниб, жиноят ишига илова қилинган ўтказилган тергов ҳаракатлари видео тасвирга олинган жами 2 дона DVD дискларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари суд, иш бўйича ашёвий далил тариқасида олиниб, жиноят ишига илова қилинган уч дона конвертлардаги ҳодиса содир бўлган жойдан олинган қон доғларини тегишли тартибда йўқ қилишни белгилашликни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни тўплаб, фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473 моддаларига риоя қилган ҳолда, суд ҳукм қилади,

Ҳ У К М:

Судланувчи Суннатов Комилжон Расулович (Sunnatov Komiljon Rasulovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Суннатов Комилжон Расуловичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан 7 (етти) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Судланувчи К.Суннатовга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.



Жазони ўташ муддати 2020 йил 13 май кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ашёвий далил - ўтказилган тергов ҳаракатлари видео тасвирга олинган жами 2 дона DVD дисклар жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ашёвий далил - уч дона конвертлардаги ҳодиса содир бўлган жойдан олинган қон доғлари тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни тўплаб, фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

Ф.Ю.Суванкулов

**“Нусхаси аслига тўғри”
жиноят ишлари бўйича
Мирзаобод туман суди раиси**

Ф.Ю.Суванкулов

